

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мавлонов Озод Улугбекович

Тошкент халқаро университети мустақил тадқиқотчи

[Ozodmavlonov5@gmail.com](mailto:Ozodmavlonov5@gmail.com)

ORCID: 0009-0009-7463-3795

**Аннотация:** Ушбу мақола электр энергияси корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот учун давлат иштирокидаги корхона “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ олинган бўлиб, унинг 5 йиллик фаолиятидаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили асосида асослантилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат иштирокидаги корхоналар, субсидиялар, ликвидлик.

### I. КИРИШ

Тоза энергия энергия тизимига мисли кўрилмаган тезликда кириб келмоқда, жумладан 560 гигаваттдан (ГВт) кўпроқ янги қайта тикланадиган энергия қуввати 2023 йилда қўшилган, аммо тарқатиш технологиялар ва мамлакатларда бир хил эмас. Тоза энергия лойиҳаларига инвестициялар оқими ҳар йили 2 триллион АҚШ долларига яқинлашмоқда, бу янги нефт, газ ва кўмир етказиб беришга сарфланган умумий суммадан деярли икки барабар кўпдир.

Мамлакатлар учун энергия таъминоти билан бирга, энергетика корхоналарининг молиявий фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Шу билан бирга, энергетика тармоғи корхоналарнинг асосий улушдорлари сифатида ҳукумат муҳим ўринга эга ҳисобланади. Ҳукумат ушбу тармоқлардаги ўзининг иштирокини таъминлаш орқали ижтимоий ва иқтисодий мақсадларини амалга ошириши, мавжуд юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда фаол иштирок этиши учун имконият яратади. Шу сабабдан ҳам, давлат иштирокидаги энергетика корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлиги мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

### II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 28-февралдаги ПФ-27-сонли фармонида мувофиқ: 2023–2026-йилларда устав капиталида давлат улуши мавжуд трансформация қилинадиган акциядорлик жамиятлари фаолиятига экологик, ижтимоий ва бошқарув тамойилларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, 2025-йил 1-июлга қадар профессионал консултантларни жалб этган ҳолда 7 та йирик давлат иштирокидаги корхоналарнинг 50 фоиздан ортиқ улушини савдога чиқариш, шунингдек, 2026-йилга қадар 4 та йирик давлат иштирокидаги корхоналарнинг 5 фоиз улушини савдога чиқариш белгиланган<sup>19</sup>.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сонли.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ўз навбатида фискал хатарларни бошқариш имкониятларини беради. Таҳлил қилинган умумий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар нисбий кўрсаткичларнинг иқтисодий аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади.

Бозор муносабатлари ривожланаётган иқтисодётларда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти ҳам бозор қонунларига асосан ташкил қилиш лозим. Бунда албатта, босқичама-босқич амалга ошириш лозим. Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг тижорат ва нотижорат мақсадлари ва вазифаларини ажратиш лозим. Бошқарувда директор ва ижрочи директорларнинг сайланиш амалиётини жорий қилиш шунингдек, ижрочи бўлмаган директорларнинг улушини ошириш ҳамда уларни хорижий турдош корхоналарда узоқ муддат хизмат қилган тажрибали экспертларни жалб қилиш лозим.

Самарасиз фаолият юритаётган давлат корхоналари юқори молиявий ва иқтисодий харажатларни келтириб чиқаради, иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиши, ҳукумат молия тизимини заифлаштирувчи фискал юк ва фискал рисклар манбаларига айланади. Бу, давлат корхоналарига молиявий ёрдам беришни давом эттириш мажбуриятини юклаши ва давлатнинг иқтисодиётни беқарорлаштириши мумкин.

Ҳалқаро валюта фондининг Танзания давлатининг давлат корхоналари бўйича амалга оширган таҳлиллари бўйича молиявий мустақиллик кўрсаткичлари бўйича таҳлилни амалга оширишни таклиф қилган. Молиявий мустақиллик бу корхонанинг фаолиятини давом еттириш учун ҳукуматнинг бюджет бўйича қўллаб-қувватлашларига, яъни давлатнинг субсидияси, капиталига, кредитлари ҳамда бошқа кафолатларига боғлиқ эмаслигини таъкидлаган.

**1-жадвал**

**Давлат корхоналарининг молиявий барқарорлигини баҳолаш**

(Renteria,2018; Sayegh, 2019)

Молиявий мустақил	Ха		Йўқ	
<b>Даромадлилик</b>				
Активнинг даромадлилиги. <i>Корхонанинг даромад олиш учун ўз активларидан фойдаланиш самарадорлиги.</i>	>10%	0%-10%	-10%-0	<-10%
Харажатларни қоплаш. Давлат корхонасининг <i>operation</i> харажатларни қоплаш учун <i>этарли</i> даромад олиш қобилияти.	>2	1.5-2	1-1.5	<1
<b>Тўлов қобилияти</b>				
Мажбуриятнинг активга нисбати. <i>СОЕнинг келажакда мажбуриятларини тўлаш қобилияти.</i>	<30%	30%-50%	50%-80%	>80%
Фоизларни қоплаш нисбати. <i>Давлат корхонасининг жорий фойдадан қарзга хизмат кўрсатиш қобилияти.</i>	>3	1.5-3	1-1.5	<1

Ликвидлик				
Жорий нисбат. <i>Давлат корхонасининг қисқа муддатли активларни сотишдан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш қобилияти.</i>	>2	1.5-2	1-1.5	<1

Давлат иштирокидаги корхоналар учун давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдам, субсидия ёки бюджет трансферлари, мақсадли маблағлар, уларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий кучли боғлиқлиги борлигини таъкидлашади. Яъни давлат корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари давлат субсидиясига кучли боғлиқ, аммо салбий таъсир кўпроқлигини англатади (Assagaf va Ali, 2017). Давлат корхоналарининг барқарорлигини таъминлашда, корхоналарни молиявий бошқаришда субсидиялашдан бошқа реал инструментларни яратиш талаб қилинади (Assagaf, Lestari va Ali, 2017).

Корхоналар ўз молиявий фаолиятини сусайтиради, чунки корхоналар бошқаруви ҳукумат томонидан белгиланган ижтимоий ва бошқа сиёсий мақсадларга эътибор қаратади. Агар ҳукумат давлат корхоналарини субсидиялашни камайтирса, корхоналарнинг фонд биржаларига чиқиши қўллаб-қувватланса, нисбатан молиявий кўрсаткичлари яхшиланиши мумкин (Assagaf va Ali, 2017).

Ҳукуматлар бўйича бошқарувнинг яхшиланиши, самаралироқ бошқарув капиталнинг қимматлашувига ҳамда инвестицион жозибадорликка олиб келишини кўрсатмоқда. Умуман, давлат корхоналари иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади, транзакциялар янада рақобатбардош ва шаффоф бўлиши орқали фискал юки камаяди ва фискал риск бошқарилиши орқали ресурслар самарали тақсимланади.

Умуман олганда, давлат корхоналари кредит ва капитал киритиш, шунингдек, субсидияларнинг ҳар хил турларидан осон фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, улар одатда бундай имтиёзларга эга бўлмаган хусусий сектор фирмаларига нисбатан аниқ устунликка эга. Ушбу имтиёзли тартибларни миқдорий баҳолаш учун давлат корхоналарининг ҳақиқий даромадларини уларнинг "потенциал фойдалари"га нисбатан солиштирилади, бу эса ушбу компаниялар "самарали" РОЕга эришган фойда даражаси сифатида белгиланади, яъни, капиталнинг таваккалчилик билан ўлчанган қиймати ривожланаётган бозор иқтисодиёти учун капиталнинг узок муддатли ўртача даромадлилиги асосида баҳоланади.

Давлат корхоналарининг ҳақиқий фойдаси потенциал фойдадан юқори эканлиги ҳақидаги хулоса давлат иштирокидаги корхоналари ҳукуматдан номақбул устунликка эга бўлаётганидан далолат беради, бу эса уларнинг хусусий ҳамкасбларига нисбатан кўпроқ фойда келтириши билан изоҳланади. Бошқа томондан, потенциал фойдага нисбатан пастроқ ҳақиқий фойда бекор қилинган фойда ёки яширин субсидия мавжудлигини кўрсатади.



Шунга кўра, яширин субсидия/ортиқчалик қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$\text{Implicit Subsidy/Surplus} = \text{Profit} - [\text{Equity} \times \text{ROE}^*]$$

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг барқарорлигига оид адабиётларнинг асосий хулосалари шуни кўрсатадики, рақобатбардошлиликни кучайтириш, ишчи кучи тузилмасини ўзгартириш, ишчи кучининг сони ва малакасини ошириш, бюджетлаштириш ва бошқаришда натижага йўналтирилган ёндашувларни жорий этиш каби чора-тадбирлар давлат корхоналари самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнаши мумкин.

### III. НАТИЖАЛАР

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларининг самарадорлигини баҳолашда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш корхонанинг барқарорлиги ва тўлов қобилиятига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Компаниянинг молиявий барқарорлигини тўлиқ таҳлил қилиш учун бир нечта коэффициентлар гуруҳи қўлланилади. Компаниянинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган барча асосий молиявий кўрсаткичлар қуйидаги қийматларни таҳлил қилишга асосланади: активлар ва капиталнинг рентабеллиги, молиявий мустақиллиги, ликвидилик ва тўловга қобилиятлилик кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Ушбу нисбий кўрсаткичларнинг таҳлил молиявий ҳолатига таъсир қилувчи факторларнинг ўзаро таъсини баҳолашимиз мумкин.





#### 1-расм. Худудий электр тармоқлари акциядорлик жамиятининг ликвидлик ва капитализация кўрсаткичларининг динамик таҳлили.

Акциядорлик жамиятининг таҳлили қилинаётган даврда мутлоқ ёки тезкор ликвидлик коэффициенти 2019 йилда 4.4 фоизни ташкил қилган ҳамда 2020 йилга келиб ўсиш тенденциясини кўрсатган ҳамда 13 фоизни ташкил қилган. Кейинги даврларда пасайиш тенденцияларини акс эттириб, 2021 йилда 4.9 фоизни, 2022 йилда 2.5 фоизни ҳамда 2023 йилда эса 1.7 фоизни ташкил қилган. Оптимал чегаравий миқдорларига нисбатан 10 баробарга қадар паст

кўрсаткич ҳисобланади. Ҳамда акциядорлик жамияти тезкор ликвидлилик бўйича нисбий кўрсаткичлари паст ҳамда қисқа муддатли мажбуриятлари амалга оширишга қодир эмас.

Акциядорлик жамиятининг таҳлили қилинаётган даврда жорий ликвидлилик коэффициенти 2019 йилда 16 фоизни ташкил қилган ҳамда 2020 йилга келиб ўсиш тенденциясини кўрсатган ҳамда 24 фоизни ташкил қилган. Кейинги даврларда пасайиш тенденцияларини акс эттириб, 2021 йилда 18 фоизни ташкил қилган. 2022 йилга келиб қисман жонланишни акс эттириб 22 фоизни ташкил қилган жорий ликвидлилик кўрсаткичи, 2023 йилга келиб 3 баробарга ошган ҳамда 71 фоизни ташкил қилмоқда. Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати таҳлили бўйича жорий активлари жорий мажбуриятларини 70 фоиз қисмини қоплаши мумкинлиги ҳамда жорий ликвидлигини таъминлаш бўйича оптимал миқдорни ҳам кўрсатмадию Яъни, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси жорий ликвидлиликга эга эмас.

Таҳлил қилинаётган даврда капитализация коэффициенти миқдори ўсиш тенденцияларини акс эттирган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 41 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда ушбу миқдор 181 фоизни ташкил қилган. 2020 йилдан 2022 йилга қадар ушбу кўрсаткич барқарор ўсиш борган ҳамда ушбу йиллар учун моқ равишда 69 фоиз, 84 фоиз ҳамда 96 фоизни ташкил қилган. Ушбу таҳлил қилинаётган даврда асосий активларнинг ўсиш тенденциялари қарз мажбуриятлари ҳисобига амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятининг молиявий мустақиллик коэффициенти ушбу нисбий кўрсаткичнинг таҳлилий давоми ҳисобланади.




**2-расм. Ҳудудий электр тармоқлари акциядорлик жамиятининг нисбий коэффициентлари ва Альтман Z-score қийматининг динамик ўзгаришлари.**

Таҳлил қилинаётган давр бўйича молиявий мустақиллик коэффициенти 2019 йилда 70 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 36 фоизни ташкил қилган. Ушбу даврда молиявий мустақиллик коэффициенти барқарор пасайиш тенденцияларини тавсифлаган ҳамда 2020-2022 йилларда мос равишда 59 фоизни, 54 фоизни ҳамда 51 фоизни ташкил қилган.

Ушбу кўрсаткич билан биргалик таҳлил қилинаётган молиявий барқарорлик нисбий кўрсаткичлари 2019 йилдаги 86 фоиз атрофидаги миқдор, 2020-2022 йилларда ўсган бўлиб, 93 фоизни, 90 фоизни ҳамда 86 фоизни ташкил қилган. 2023 йилга келиб ушбу миқдор 62 фоизни ташкил қилган. Бунда, акциядорлик жамияти молиявий фаоитяини ташкил қилишда қисқа муддатли қарз мажбурияталидан фойдаланганлигини ёки ушбу жорий мажбуриятларнинг улуши ошганлиги билан изоҳланади.

Алтман Z-score модел натижалари таҳлил орқали корхоналарнинг 3 ҳил тоифага ажратиш мумкин. Акциядорлик жамиятининг умумий ҳолати таҳлили бўйича 2019 йилдан 2021 йилга қадар Z-score қиймати белгиланган чегаравий миқдорлар орасида бўлган, яъни 2019 йилда Z-score қиймати 2.22 ни ташкил қилган, 2020 йилда эса 1.74 ташкил қилган бўлса, 2021 йилда ушбу қийман 1.34 ни ташкил қилган. Бунда, ушбу даврлар учун акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати нейтрал эканлигини таъкидлаш мумкин. Таҳлил бўйича кейинги даврлар бўйича қийматалари 2022 йилда 0.84 ва 2023 йилдаги ушбу қиймат 0.71 ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичлар чегаравий миқдор бўлган Z-score 1.1 дан кечик ҳамда ушбу кўрсаткичли корхоналарнинг молиявий муаммолари мавжулигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, ушбу даврлар учун бошқа нисбий кўрсаткичлар таҳлилинини ҳам амалга ошириш лозим.

Худудий электр тармоқлари АЖнинг капитал рентабеллиги, яни бир бирлик капиталга тўғри келадиган соф фойда улуши 2019 йилда 5.58 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу миқдор 0.4 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда ушбу миқдор 4.48 фоизни ташкил қилган. Ҳамда 2022 йилга ушбу даромадлилик кўрсаткичи -0.65 фоизга пасайган бўлса, 2023 йилда ушбу миқдор -10.30 фоизни ташкил қилган. Яни ҳар бир 1 капиталга 10 фоизлик йўқотишлар тўғри келмоқда. Худди шу каби, активларнинг даромадлилиги ҳам 2019 йилда 3.9 фоизни ташкил қилган кўрсаткич, 2020 йилда -0.24 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда 2.43 фоизгача ўсган бўлса, ушбу даромадлилик кўрсаткичи ҳам 2022 йилда -0.33 фоизни ва 2023 йилда -3.66 фоизни ташкил қилган. Бунда, бир бирлик активлар учун тўғри келадиган йўқотишлар -3.66 фоизни ташкил қилган.



**3-расм. Худудий электр тармоқлари акциядорлик жамиятининг рентабеллик кўрсаткичларининг динамик ўзгаришлари.**

Худди шу каби, активларнинг даромадлилиги ҳам 2019 йилда 3.9 фоизни ташкил қилган кўрсаткич, 2020 йилда -0.24 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда 2.43 фоизгача ўсган бўлса, ушбу даромадлилик кўрсаткичи ҳам 2022 йилда -0.33 фоизни ва 2023 йилда -3.66 фоизни ташкил қилган. Бунда, бир бирлик активлар учун тўғри келадиган йўқотишлар -3.66 фоизни ташкил қилган.

#### IV. МУҲОКАМА

Ҳар бир корхона ўзининг молиявий-иқтисодий фаолиятини тартибга солишда олинган даромад даражасига боғлаши мумкин. Даромадлар миқдори сотилган товар ва хизматлар ҳисобидан шаклланади ҳамда фойда ушбу сотилган товар ва хизматлар учун қилинган харажатлар миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Лекин товар ва хизматлар учун нарх бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланиши маълум ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқликни бартараф қилувчи омил бу нарх ҳисобланади. Талаб таклифлан ошиб кетиши нархлар даражасини ошишига сабаб бўлади ва аксинча бўлган ҳолатда тескари жараён кўзатилади.

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	13
Model	108.630303	1	108.630303	F(1, 11)	=	21.98
Residual	54.3743691	11	4.94312447	Prob > F	=	0.0007
				R-squared	=	0.6664
				Adj R-squared	=	0.6361
Total	163.004672	12	13.5837227	Root MSE	=	2.2233

logincome	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
logSub	2.265423	.4832531	4.69	0.001	1.201791 3.329056
_cons	-5.759293	2.735669	-2.11	0.059	-11.78046 .2618734

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	13
Model	116.090815	1	116.090815	F(1, 11)	=	27.22
Residual	46.9138573	11	4.26489612	Prob > F	=	0.0003
				R-squared	=	0.7122
				Adj R-squared	=	0.6860
Total	163.004672	12	13.5837227	Root MSE	=	2.0652


  

logincome	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
lag1g	2.215714	.424687	5.22	0.000	1.280984 3.150444
_cons	-5.050863	2.330504	-2.17	0.053	-10.18027 .0785429

**4-расм. Даромадлар даражасига давлат мақсадли маблағларининг таъсирининг эконометрик модели<sup>20</sup>**

Лекин нарх билан боғлиқ муносабатлар давлат томонидан тартибга солинса, давлат ушбу интервенция ҳолатида маълум бир харажатларни қоплаб бериши зарурати пайдо бўлади. Худудий электр тармоқлари корхонаси АЖ электр энергия нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 204 сонли қарорига асосан 3-гуруҳ истеъмолчилари учун 5 хил шкалади ҳисоб-китоб қилиниши белгиланган.

Эконометрик модел бўйича даромад миқдорининг ўсушига давлат томонидан ажратилган субсидия миқдорлари ижобий таъсир кўрсатади. Яъний эконометрик функцияси бўйича давлат томонидан ажратилган субсидия миқдорининг 1 фоизга ошиши даромад даражасини 2.2 фоизга ошишига сабаб бўлади. Шунингдек, эконометрик моделнинг кўрсаткичларнинг статистик аҳамиятлилиги тегишли кўрсаткичлар қийматига асосан асослантирилган. Ҳамда функциянинг қолдиқ қийматларининг тўғри тақсимоти бўйича ўтказилган Shapiro-Wilk W testi ва Skewness-Kurtosis testлари натижалари  $p > 0.01$  қаноатланган ҳамда тўғри тақсимотда эканлигини кўрсатмоқда.



**5-расм. VAR модели бўйича Худудий электр тармоқлари корхонаси АЖнинг даромадлари прогнози қиймати<sup>21</sup>**

<sup>20</sup> STATA16 дастурида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>21</sup> STATA16 дастурида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Бундан ташқари, амалга оширилган регрессион модел асосида “Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг даромадлари миқдори ва давлат мақсадли маблағлари бўйича VAR модели бўйича прогноз қийматли ҳисоб китоб қилинган. Амалга оширилган таҳлил ва прогноз кўрсаткичлари бўйича шуни таъкидлаш мумкин, 2023 йил якуни бўйича даромадлар ҳамда 2024 йилги даромадлар даражаси бўйича барқарор ўсиш кўрсаткичларини бериши мумкин. Бунда, прогноз қийматлари фақат битта моделга асосида аниқланган.

Ушбу прогноз қиймати бўйича 2024 йил охири чораги бўйича даромад қиймати 28 747.01 млрд сўмни ташкил қилиши прогноз қилинган бўлса, 2026 йил 3 чорагида ушбу қиймат 36 735.4 млрд сўмни ташкил қилган.

## V. ХУЛОСАЛАР

“Худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг моливий иқтисодий барқарорлиги табиркорларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг турмиш даражасини янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, Акциядорлик жамиятининг асосий акциялари давлатга тегишли ҳисобланади ҳамда бошқарувда ҳукумат аралашувини кўришимиз мумкин. Биргина, электр энергия нархнинг давлат томонидан тартибга солиниши, яъни таннархидан ҳам паст нархларда сотилиши мумкинлигини ҳисобга олганда корхонанинг молиявий ҳолати хусусий сектор билан солиштирганда ижобий натижа бўлмаслиги мумкин.

Бунда, ҳукумат ўзининг стратегик мақсадлари бўйича босқичма-босқич бозор иқтисодиётида давлат аралашувини камайтириш мақсад қилинган ҳамда нарх сиёсати бозор қонунларига асосан ўрнатилиши режалаштирилган. Ушбу жараёндаги табақалаштирилган нарх сиёсатида Маиший истеъмолчилар учун электр энергияси бўйича ҳисоб китобларда ўтган даврлар учун жами тўловлари бўйича ўртача миқдорлардаги пул маблағларини ҳар ой давомида сақлаб туриши орқали лимит доираси 200 бирликдан ошган қисмига 50 фоиз чегирмаларни қўллаш орқали кўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Ушбу тартиб орқали маиший истеъмолчилар томонидан қилинган олдиндан тўловлар ёки депозитга қўйилган пул маблағлари орқали шакллантирилган кўшимча пул маблағлари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтириш имконияти яратилади.

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ассагаф А., Али Ҳ. Determinants of financial performance of state-owned enterprises with government subsidy as moderator // International Journal of Economics and Financial Issues. 2017. Т. 7, № 4. С. 330–342.

2. Ассагаф А., Лестари С.Й., Ҳамзаҳ М.З. The effects of the implementation of earning management and subsidy policy: A case study of government company // OIDA International Journal of Sustainable Development. 2016. Т. 9, № 10. С. 23–24.

3. Ассагаф А., Али Ҳ. Determinants of financial performance of state-owned enterprises with government subsidy as moderator // International Journal of Economics and Financial Issues. 2017. Т. 7, № 4. С. 330–342.
4. Asian Development Bank. Reforms, opportunities, and challenges for state-owned enterprises / Ed. Edimon Ginting, Kaukab Naqvi. July 2020.
5. Лестари М.И., Сугихарто Т. Kinerja Bank Devisa dan Bank Non Devisa dan Faktor-faktor yang Mempengaruhinya // PESAT. 2007. Т. 2. Факультет экономики Gunadarma.
6. Рентерия С., Исабел Р., Аврил Ҳ., Катжа Ф., Малсолм П. Zambia: Assessing and Managing Fiscal Risks from State-Owned Entities and Public-Private Partnerships // IMF Technical Assistance Report. 2018.
7. Саегх А. Analyzing and Assessing Risks from SOEs // IMF, Memo. 2019.